




## Ўзбекистон Республикасида мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари



*Назаров Элбек Шермахматович  
Термиз давлат университетининг  
мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, унинг аҳамияти ва ўзига хос томони таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** мудофаа ерлари, мудофаа учун ер ажратиш, мудофаа корхоналари, мудофаа учун ер бериш тартиби, мудофаа ерларининг ҳуқуқий муҳофазаси.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бинобарин, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни аҳамиятини беқиёс эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши давлатнинг чегара хавфсизлиги ва унинг ташқи ҳамда экологик сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига асосан, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин”<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”<sup>2</sup>нинг 8-боби, “Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар деб номланиб”, 69-моддасида “Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг таркиби” масаласи ўз ифодасини топган. 70-моддасида, эса “Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер бериш (реализация қилиш)” ҳолати ҳам кўрсатилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг (Янги таҳрирдаги) Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2023.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда

Бугунги кунда ушбу саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 2024 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони 786,9 минг гектар ёки республика ер фондининг 1,75 фоизини ташкил қилади<sup>3</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, “Ер кодекси ва Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг Миллий ҳисоботида, муҳофаа мақсадларга мўлжалланган ерлар саноат, транспорт, алоқа, ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар билан тир тоифа сифатида кўрсатилганлигини кўриш мумкин.

Шу маънода алоҳида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш ер ҳуқуқида алоҳида бир субинститут бўлиб, уни ҳуқуқий таъминлаш ва муҳофаза қилиш масаласини долзарблиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалага оширилаётган ислоҳотларга алоқадорлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бундан ташқари муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги экологик-ҳуқуқий чора-тадбирларининг илмий-амалий жиҳатдан етарли тадқиқ этилмаганлиги, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини замон талаби асосида ҳуқуқий таъминлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатимизда ер ҳуқуқи фанининг олдида турган муҳим йўналишлардан бири эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Юқоридаги кўрсатилган жараёнларда, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш ўзига хос аҳамиятга эга. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5863-сон Фармони<sup>4</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”да ушбу муаммонинг уствор йўналишларининг бири сифатида айнан кўрсатилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “**Янги Ўзбекистон Стратегияси**”<sup>5</sup>нинг, VII.-бўлими “Мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш”,-деб номланиб, унинг 90-мақсади: Давлатнинг муҳофаа қобилятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилятини кучайтириш, 91-мақсади: Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтиришга бағишланиб, мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги, ер қонунчилиги ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу эса, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш масалаларига эътибор беришликни, бу борада қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш фурсати етганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан кўриниб турибдики, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ер ҳуқуқида алоҳида ўзига хос ўрни мавжуд. Демак, юқоридаги масалаларни кенгроқ ўрганиш мақсадида, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, айниқса амалиётни кенгроқ ўрганиш ўта муҳим.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ер ҳуқуқи нуктаи назаридан муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни юридик табиати, мамлакатимизда муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммоларини илмий-амалий таҳлил этиш ҳам ўта муҳимдир. Муҳофаа эҳтиёжлари учун берилган ерлар асосан Ўзбекистон Республикаси

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг 2024 йил 1 январь ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, 2024.

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон

<sup>5</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон

Мудофаа вазирлиги ихтиёрида бўлади. Бу тоифа ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, мамлакатимиз чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобланадилар. Мудофаа эҳтиёжлари учун ер ажратиб беришни сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига Мудофаа вазирлиги, ҳарбий округ кўмондонлиги, уларнинг мансабдор шахслари эгадирлар. Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерларни ҳисоби шу ер участкаси ихтиёрида бўлган вазирлик ёки давлат кўмитаси томонидан олиб борилади. Ҳарбий қисмларнинг ердан фойдаланиши давлат рўйхатидан ўтказилганда фақат ер участкаларининг миқдори ва ташқи чегаралари кўрсатилади, ички ер тузилиши эса очиб берилиши мумкин эмас.

Ҳозирда республикада мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш таъминлаш мақсадидаги ижобий натижалар, бошқа хориж давлатлари томонидан ҳам самарали механизм эканлиги тан олинмоқда ва маъқулланмоқда. Шу маънода, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий таъминлаш бугунги қонун талаби асосида амалга оширилиши, жумладан, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни амалга ошириш замон талабидир. Демак, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш мазкур муаммоларни ечишга ижобий ёрдам беради. Бундан кўриниб турибдики мустақиллик шароитида мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини илмий-амалий ва назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш давр талаби эканлиги ҳам ўта муҳимдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, танланган мавзу республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг айрим устувор йўналишларига мос келиши асосланган.

**Биринчи йўналиш:** Мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилган раҳбарий манбалар яъни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларида мазкур тадқиқот ишининг методологик ва концептуал жиҳатлари ҳар томонлама ва тизимли тарзда амалга оширилиши кўрсатилган. Уларда давлат хавфсизлиги ва мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати қай даражада эканлиги, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар юзасидан концептуал аҳамиятга эга бўлган ғоя ва фикрларнинг мавжудлиги;

**Иккинчи йўналиш:** Бугунги кунда, ер ҳуқуқи фанларида жумладан, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар талаб даражасида эмаслиги ва янги қонунларда ўз ишланмасини топмаганлигини кўриш мумкин.

Хуллас, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси ва унинг юридик мазмунини очиб беришга қаратилган билимлар, мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг (Янги таҳрирдаги) Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда
3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг 2024 йил 1 январь ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, 2024.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон

5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.,06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й.,06/22/89/0227-сон